

Шерободда "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни" кенг нишонланди



Шундан сўнг тантанали тадбир тумандаги “Тошкент” тантаналар саройида давом этди. Туман ҳокимлиги ҳамда Сурхондарё Агрохизмат МЧЖ томонидан ёзилган камтарона дастурхон атрофида тумандаги барча фидойи қишлоқ хўжалиги ходимлари, кластер эгалари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари жам бўлиб, байрамни аъло кайфиятда нишонлашди.

Тадбирда туман ҳокими З.Давлатов ҳам иштирок этиб, барчани байрам билан қутлади.

Қувонарлиси байрам муносабати билан Пахта-2022 мавсумида жонбозлик кўрсатиб, мавсумни беталофат ўтказиш ва белгиланган режани бажаришда фаоллик кўрсатган туманимиздаги Отабек олтин пахтаси ф/х бошлиғи Э.Ҳасанов Сурхондарё Агрохизмат МЧЖ томонидан “Cobalt” автомашинаси билан мукофотланди.